

МИРЗАЧЎЛДА АТРОФ-МУҲИТНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Холдорова Г.М. – Жиззах Давлат педагогика институти Табиий фанлар факультети География ва иқтисодий билим асослари кафедраси ўқитувчиси.

Камолов Е.Ш.-Аниқ ва табиий фанлар (География) йўналиши 1- курс магистранти

АННОТАЦИЯ

Сўнгги йилларда экологик вазият (шароит) инсон саломатлигига жиддий таъсир қиладиган даражада кескинлашди. Бу ўз навбатида атроф-муҳит ҳолатини мониторинг қилиш ва инсон ҳаёти учун қулай даражада сақлаб қолиш заруратини туғдиради. Мақолада атроф-муҳитни мониторинг қилиш масалалари ўрганилган бўлиб, мазкур битирув иши мавзуси атроф-муҳит экологик ҳолатини мақбул ҳолатда сақлашнинг замонавий усуллари ва йўналишларини мужассамлаштирилган мониторинг масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар. Тупроқ, шўрланиш, геосистема, мониторинг, бошқарув, назорат ҳавза геосистемаси, оқим системалари

ENVIRONMENTAL MONITORING ISSUES IN MIRZACHUL ANNOTATION

In recent years, the environmental situation has worsened to the point where it has a serious impact on human health. This in turn makes it necessary to monitor the state of the environment and maintain a comfortable level for human life. The article explores the issues of environmental monitoring were studied in the dissertation, and the topic of this dissertation is devoted to the issues of integrated monitoring of modern methods and directions of maintaining the ecological state of the environment in an optimal condition.

Key words. Soil, saline, Geosistema, Monitoring, Management, Control Hatistem, Stream Systems

ПРОБЛЕМЫ МОНИТОРИНГА ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ

МИРЗАЧУЛЯ

АННОТАЦИЯ

В последние годы экологическая ситуация ухудшилась до такой степени, что это серьезно сказывается на здоровье человека. Это, в свою очередь, заставляет следить за состоянием окружающей среды и поддерживать комфортный уровень для жизни человека. В статье исследуются вопросы экологического мониторинга, изучаемые в диссертации, а тема данной диссертации посвящена вопросам комплексного мониторинга современных методов и направлений поддержания экологического состояния окружающей среды в оптимальном состоянии.

Ключевые слова. Почва, засоление, геосистема, мониторинг, управление, система контроля, водотоковые системы

Мавзусининг долзарблиги. Фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда инсон томонидан атроф-муҳитга кўрсатилаётган таъсирни камайтириш, тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолиш ва уларни ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро мунособатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги мурожаатида "... атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантириш, мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ва тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш"¹ бугунги кунда республикамиз учун энг долзарб масалалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

¹ Ш.Мирзиёев. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. -Т.: Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабр.

Инсониятнинг табиий ресурслардан фаол фойдалана бошлаши билан биргаликда, сув ресурсларига, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига кучли таъсир эта бошлади. Натижада, табиий ресурсларнинг камайиб кетиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий ландшафтларнинг ўзгариши, табиат компонентлари орасидаги мутаносибликнинг бузилиши, инсон саломатлиги ва ҳаёти учун хавфли бўлган салбий оқибатлар юзага келмоқда. Буларнинг барчаси турли хил мураккаб табиий, ижтимоий-иқтисодий, жумладан жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсир ва улар орасидаги алоқадорликлар билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг кескинлаштирмоқда.

Мониторинг тизимининг асосий вазифаси алоҳида мақсадларда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳудуд ҳолатини баҳолаш, кузатиш, назорат қилишдан ва башоратлашдан иборат. Шунинг учун, республикамизнинг ҳозирги табиий географик шароитини замонавий фан ва технологиялар ёрдамида, ҳамда сўнгги йиллар давомида олиб борилган аниқ дала тадқиқотлар маълумотларини таҳлил қилган ҳолда мониторинг тизимини шакллантириш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан тақлиф қилинган 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг 5 устивор йўналиши Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган атроф-табиий муҳит муҳофазаси, генофондга ва аҳоли саломатлигига зиён этказадиган экологик муаммоларнинг олдини олишга оид чора-тадбирларни ўз вақтида сўзсиз амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Суғориладиган ерлар Ўзбекистон ҳудудининг 10%дан кам қисмини ташкил этгани ҳолда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари этиштиришда уларнинг салмоғи жуда беқийёс (95% дан ортиқ). Суғориладиган ерлар, асосан Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Чирчиқ, Оҳангарон дарё водийлари ҳамда делта қисмларида, Қарши, Мирзачўл ҳудудларида мужассамлашган.


Суғориладиган ерлар (воҳалар) бир-бирларидан табиий-мелиоратив шароитлари бўйича анча фарқ қилади. Тупроқшунос, ландшафтшунос ва

мелиоратор олимларнинг тадқиқотларидан маълумки, суғориш ва мелиоратсиялаш тадбирлари геосистемалардаги тупроқнинг асосий сув режимига таъсир ўтказиш орқали унинг ҳаво, иссиқлик, тўйиниш ва туз алмашилиши каби энг муҳим кўрсаткичларини ҳам ўзгартириши мумкин. Юқорида санаб ўтилган олимларнинг фикрини умумлаштириш шуни кўрсатадики, геосистемаларда юз бераётган гидрогеокимёвий жарайонлар ва тупроқнинг шўрланиши табиий омиллардан ташқари антропоген омиллар қай даражада таъсир этишига боғлиқдир. . Тупроқнинг шўрланишини Мирзачўл табиий ўлкаси жойлашган Жиззах вилояти туманларининг суғориладиган ерлари мисолида кўриб чиқамиз.

1-жадвал.

Суғориладиган ерларнинг тупроқ шўрланиш даражаси бўйича тақсимланиши (минг га)					
№	Туманлар номи	Шўрланган майдон	Кучсиз шўрланган	Ўртача шўрланган	Кучли шўрланган
1	Арнасой	0,98	12,219	18,692	1,635
2	Мирзачўл	-	13,248	19,359	0,43
3	Зафаробод	0,835	16,946	10,49	1,0
4	Дўстлик	0,560	24,433	10,605	0,44
5	Пахтакор	0,246	14689	13,49	0,30
6	Жиззах	3,438	28,577	2,85	0,14
	Жами	5,079	110,112	75,486	3,945

Инсон суғориладиган тупроққа ҳар хил ишлов бериб, унинг табиий хусусиятини ўзгартирган, натижада маданий қатлам вужудга келган. Бўз тупроқлар кўпинча обикор ерлар ҳисобланиб, қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган майдонлардир. даражада шўрланишининг макондаги дифференциацияси акс эттирилади.



Мирзачўл табиий ўлкаси мелиорация хизматининг охириги йиллардаги (2014-2017) кузатув маълумотларини тўплаб, таҳлил қилинганда аниқландики, вилоят суғориладиган майдонларининг деярли 98 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, жами 282,8-284,4 минг га. ни ташкил қилади. Чўлланиш муаммоси Ўзбекистон учун ҳам тааллуқли жараён бўлиб, суғориладиган ер ва яйловлар ҳосилдорлиги борган сари пасайиш йўналишига ўтди. Кўплаб ерлар яроқсиз ҳолга келди. Бунинг оқибатида табиат-инсон-жамият муносабатларини уйғунлаштириш зарурати, география фанининг илмий-назарий асосларини, ривожланиш босқичларини, атроф-муҳитни фанлар ўртасида тутган ўрни, географик фанлар тизими, фанлараро алоқадорлик ва узвийлик тамомилларини очиб беришни, республикамизнинг экологик сиёсати ва қонунчилик тизимини, экотизимлар ва уларни таснифланишини, экологик муаммолар, экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишнинг экологик жиҳатларини, экология методологияси ва замонавий тадқиқот методларини, давлатнинг экологик бошқарув, назорат, экспертиза, мониторинг, аудит ва суғурталаш тизимини, хавф, башоратлаш йўллари, тизимли ва мажмуали ёндошув қоидаларини, экологик таълим-

тарбия қоидаларини, умумбашарий фундаментал ва миллий экологик кадриятларни билиши керак .

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Мирзачўл табиий ўлкасида ерларни ўзлаштириш ҳамда суғорма деҳқончилик ишлари олиб борилганда табиий компонентларнинг бир-бирига боғлиқлик хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. Республикамиз ҳудудида табиий-географик ўлкаларда табиий муҳитга нисбатан эҳтиёткорона ва маъсулиятли ёндошувда бўлиш унинг табиатини батафсил ўрганишга имкон беради. Тадқиқот ишни бажариш давомида қуйидаги хулоса ва таклифларни билдиришни ўринли деб ҳисоблайман:

- атроф-муҳитни мониторинг қилиш масалаларига,.
 - атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
 - табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиий мажмуаларни қайта тиклаш
 - географик баҳолаш,
 - амалий географиянинг мазмун ва моҳиятини,
 - табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат мажмуаларини қайта тиклашга оид мустақил қарор қабул қилиш
- ҳудуднинг ўзига хос табиий шароити ва ресурсларини баҳолашга имкон беради, айниқса табиатда экологик мувозанатни сақлаш ва экологик кризиснинг олдини олиш долзарб масала бўлиб турган ҳозирги вақтда атроф муҳитни мониторинг қилишнинг аҳамияти жуда катта

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арабов С.А., Аҳмедов А.У., Қўзиев Р.К. Мирзачўлнинг суғориладиган тупроқлари мелиоратив ҳолатини баҳолаш ва сув-туз режимини тартибга солиш масалалари. Ж.-л. Тупроқшунослик ва агрохимё. Қозоғистон. Алма-Ата. 2009. 28-31 бб.

2. Аҳмедов А.У., Ғафурова Л.А. Мирзачўл тупроқларининг ҳозирги тупроқ-мелиоратив ҳолатини баҳолаш. Владимирский земледелец. 2019. №4 (90), 2019. с. 7-12.

3. G'apparov A.N, Холдорова Г. М. Haydarova S. Population Systems In the Reclaimed lands of the Republic of Uzbekistan. Report and Opinion, Volume 11 – Issue 10, Cumulated 124, October 25, 2019
4. Ҳайдарова С.А., Холдорова Г. М. Гаппоров А.Н Мирзачўл ўлкасида экотуризмни ривожлантириш имкониятлари. Ўзбекистонда туризм рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари. Халқаро илмий – амалий конференция материаллари. Чирчиқ, 11-12 октябр, 2019 йил
5. Холдорова Г. М. Абдазов Ж.Мирзачўл тупроқ ресурслари мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг табиий географик асослари Чўлланиш муаммолари: динамика, баҳолаш, ечим. Халқаро илмий – амалий конференция материаллари. Самарқанд 13-14 декабр, 2019 йил
6. Холдорова Г. М. Тупроқлар мелиоратив ҳолатни яхшилашда табиий географик омилларнинг ўрни(Мирзачўл табиий ўлкаси мисолида) VIII.Глобальная наука и инновации 2020: Центральная Азия. Международный научно-практический журнал. Нурсултан, Казакстан.Феврал, 2020, 50-54 бет
7. Uktam Abdunazarov, Naila Sabitova, Anna Stelmakh, Gulbakhor Kholdorova. Muxabbat Kayumova Morphological features of buried soils of loess formations of the prytaškent region of uzbekistan Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125Malayziya
8. Ҳайдарова С.А.,Жиззах вилоятида шаҳарларни саноатлаштириш омиллари .Тафаккур зиёси, Илмий – услубий журнал, 3 – сон, 2019. Жиззах
- 9.ХолдороваГ.М.Мирзачўлда ландшафтлар ўзгаришига Сардоба сув омборининг таъсири“ Ўзбекистонда география фанининг долзарб масалалари” республика илмий амалий конференцияси материаллари .Термиз, 2020 йил 11 ноябрь
10. Gulbakhor Kholdorova Changes In Natural Geographical Processes In The Mirzachul Region Under The Influence of The Sardoba Reservoir. European

Journal of Molecular & Clinical Medicine ISSN 2515-8260 Volume 07, Issue 03,
2020

11. Холдорова Г. М. Айдар-Арнасой кўллар тизими ва Мирзачўл воҳасининг геоэкологик вазиятини оптималлаштириш Международной научно-практической интернет-конференции «тенденции и перспективы развития науки и образования в условиях глобализации» 27 ноября 2020 года

12. Ouxumor Ruzikulova, Naila Sabitova and Gulbakhor Kholdorova The role of GIS technology in determining irrigated geosystems E3S Web of Conferences 227,03004(2021) GI 2021 <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202122703004>

13. Холдорова Г. М. Роль картографических методов в классификации орошаемых геосистем Мирзачуля. Электронное научно практическое периодическое издание «Экономика и социум» Выпуск №1(80) часть 1 (январь, 2021).

14. Н.Сабитова.. Холдорова Г. М. Обоснование пунктов наблюдений геоэкологического мониторинга за загрязнением Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 43-жилд. ЎзМУ, 2014 йил

15 .Холдорова Г.,КаюмоваМ., Анорбоев С Мирзачўл худуди тупроқлари мониторинг тизимини яратиш ҳақида мулоҳазалар Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 45-жилд. Тошкент. 2015.

16. Хакимов К. М., Холдорова Г. М. Эрматова Н. Н Принципы и основные положения номинации географических Проблемы современной науки и образования 2017. № 4 (86) НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

17. Сабитова Н., Холдорова Г., М. Каюмова М., Усмонов М. Мирзачўл табиий географик райони худудининг тупроқ қоплами мониторинг тизимини ташкил этишнинг амалий жиҳатлари. Ўзбекистон Евросиё маконида: география,геоиктисодиёт,геоэкология Халқаро илмий-амалий конференция, Тошкент -2017.11-12 май

18. Холдорова Г. М., Ҳазраткулова Г.Мирзачўл иқлимнинг даврий ўзгаришларини хусусиятлари Орол минтақаси ва қўшни худудларда комплекс

географик тадқиқотларнинг муаммо ва истиқболлари. Халқаро илмий-амалий конференция, Нукус, 15-16 май 2018 йил

19. Сабитова Н., Холдорова Г., Сулаймонова Ш Жиззах вилояти ер ресурсларидан фойдаланишнинг географик жиҳатлари. Географиянинг минтақавий муаммолари. Республика илмий амалий конференция материаллари. Жиззах - 2017 йил 27-28 апрель

20 Сабитова Н., Холдорова Г. М. Абдуғаниева Н., Жонузоқов И Жиззах гидротехник иншоатларининг хўжалик ва табиий экологик муаммолари. Географиянинг минтақавий муаммолари. Республика илмий амалий конференция материаллари. Самарқанд - 2017 йил 18-19 апрель.

21. Холдорова Г., М., Ҳазраткулова Г Жиззах вилояти экологик вазияти ва географик жараёнларнинг жадаллашуви. География ва география таълимидаги муаммолар. Республика миқёсидаги илмий амалий конференция материаллари. ТДПУ Тошкент 30 май 2018 йил